



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА НУУЗ

**МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2022
1/2**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош мухаррир:

И.У.МАДЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош мухаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир ҳайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Нишонова О.Ж. – ф.ф.д., проф.

Абдуллаева Н.Б. – ф.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Утамурадов А. – ф.ф.н., проф.

Ахмедов Х.А. – с.ф.д.

Мирзаахмедов К.М. – с.ф.ф.д., PhD.

Мухаммадова Д.Г. – псих.ф.д.

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Рахмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сидикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

Тарих

Alijonova G. “Kutubi sitta” doirasida XIX-XX asrlarda amalga oshirilgan zamonaviy g’arb tadqiqotlari	4
Алманов Қ. XIX аср охири – XX аср бошларида Жиззах шаҳри ахолисининг ижтимоий ва этник таркиби	7
Орифжонова Г. Ўзбекистон музейларининг экспозицион ривожи	12
Усаров У. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти сугориш тизими.....	15
Ҳайитов Ж. Марказий Осиёда манзарали дараҳатлар янги навларининг тарқалиши тарихи ва экологик муаммаларни бартараф этишдаги ўрни	18
Эралов А. Сурхондарё вилоятида зиёрат туризмининг ривожлантириш имкониятлари	21
Фалсафа. Педагогика. Психология. Методика. Социология	
Аббосхонова Н. Ўзбекистонда миграция жараёнларини тартибга солишнинг назарий-хуқукий асослари	24
Абдурахманов У. Курап билан шуғулланувчи талабаларнинг техник ҳаракат усулларининг педагогик таҳлили .	28
Асанова Н. Сравнительная характеристика показателей физической подготовленности высоквалифицированных бегунов на 400 метров с барьераами	32
Beknazarov S., Qayumova G., Qahramanova X. Ta’lim kredit-modul tizimining fractal pedagogika asosida zamonaviy axborot metodik ta’minoti mazmuni tahlili	36
Ботирова Ш. Основы организации сотрудничества между образовательными учреждениями через кластеры в Узбекистане	40
Газиев Ш. Янги Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг тақомиллапшуви	44
Жабборов И. Оилада эр-хотин муносабатларидаги мутаносибликни таъминлашнинг ижтимоий-психологик компонентлари	47
Jaloliddinova M. Intellektual mulk va uning qiymatini baholash xususiyatlari	50
Jurayev M. Til modeli asosida 1h-gramm dasturiy tizimining algoritmi asosida matn ma'lumotlarini boshqarish	53
Зарипов О. Электрон таълим мухитида интерактив таълим ресурсларини яратиш методикасини бошқарини моделлари	56
Zoyirova D., Heller A. Formation of the discursive competence of law students when teaching writing in a foreign language	59
Ibragimova O. Maktabgacha yoshdagagi bolalarda ta’limni tashkil etishga psixologik moslashuvining kompleks xususiyatlari	62
Исақулова Б. Дидактик ўйинлар мактабгача ёшдаги болаларни чет тилида мулоқот қилишдаги ўрни сифатида ..	65
Исманова О. Олий таълимда физикадан амалий машғулотларда мураккаб интегралларни сонли усулда хисоблани	68
Исраилова Д. Мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тилини ўрганишда эртакнинг ўрни ва аҳамияти	72
Кабилов Н. Ўзбек миллий кино санъати тараққиётида бадиийлик масалалари	75
Каримова Н. Сузиш машғулотлари орқали хотин-қизларни согломлаштириш ва жисмоний тайёргарлигини тақомиллаштириш технологияси	78
Kasimaxunova A., Atajonova S. Research of interdisciplinary relationships of physics and special objects of the specialty “mechatronics and robotics”	81
Kuralov Y. Bo‘lajak informatika o‘qituvchilarini tayyorlashda pedagogik ta’lim innovatsion klasteri usuli	85
Kuchkarov U. Muay-tay qadimda va bugungi kunda	88
Qambarov A. Issues of studying the content and structure of historical consciousness in modern Uzbekistan	91
Кодиров М., Вохидов Э. Физика фанини ўқитишида таълим сифатига таъсир этувчи омиллар	94
Қораева Ю. Эгоизм тузилишини ўрганишдаги назарий қарашларнинг психологик таҳлили	98
Мадрахимова Ф. Олий таълим мұассасалари талабаларида медиасавдохонлик шакллантириш ва ахборот хавфesлигини таъминлаш асослари	101
Маматқосимов Ж. Ўқув спектакллари устида ишлап орқали бўлажак режиссёrlарнинг касбий компетенциясини тақомиллаштириш усуллари	104
Маматқосимова Н. Бўлажак маданият ходимларининг умуммаданий компетенцияларини ривожлантиришда беш мухим ташбабус тадқиқот объекти сифатида	108
Mansurov M. Umumta’lim maktab o‘quvchilarini kasbga yo‘naltilish muammo va istiqbollari (Farg‘ona viloyati so‘rovnomda tahlillari asosida)	112
Мираҳмедов Ф. Соглом турмуш тарзини болаларда шакллантиришда оила ва атроф мухитни аҳамияти	116
Мирзаев Қ. Болалар вокал-хор жамоасида овоз хусусиятлари ва имкониятларини тақомиллаштириш методикаси	118
Mirzayev M., Shohimardonov J. Ta’limda o‘quv fanlarining integratsiyalashtirilgan mazmuni	121
Мирпӯлатов Ҳ. Миллий фестиваллар орқали маданий мерос намуналарининг тарғиботи (“Ипак ва зираворлар” халқаро фестивали мисолида)	124
Nazarova D. The effectiveness of cause and effect diagrams in teaching the aral sea problems	128
Нариманов Қ. Абу Райхон Беруний ва фрэнсис бэкон билимнинг ҳақиқатлиги мезонлари ҳақида	133
Ниёзов С. Табиат туризми тушунчаси ва унинг фалсафий таҳлили	137
Нуритдинов А. Спортчи тайёргарлигига илмий ёндашувнинг асосий йўналишлари	140
Одилов Б. Белбогли курашчилар билан олиб бориладиган анъанавий машғулотларда усулларни нокулай томондан кўллап ва мувозанат сақлап турғунлигини шакллантириш тажрибаси	143
Пазилов А. The role of virtual learning environment in the formation of linguistic competence	146
Равшанов А. Ўзбекистонда сув хўжалиги соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш сиёсати	149
Раҳмонова Г. Креатив ва ижодий тафаккур муаммосининг хорижий тадқиқотларда ўрганилиши	153



Гулчехра РАҲМОНОВА,
Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчisi,
E-mail: gulchehra86@mail.ru

ФарДУ профессори, педагогика фанлари доктори Т.А. Эгамбердиева тақризи асосида

STUDYING THE PROBLEM OF CREATIVE AND CREATIVE THINKING IN FOREIGN RESEARCH

Annotation

This article analyzes the creative and creative style of human thinking based on the research of foreign scientists in the pedagogical and psychological aspects. Also, based on the ideas of scientists about the parameters of creativity, the elements of a creative approach that are characteristic of a person are highlighted.

Key words: creative thinking, creative thinking, non-standard thinking, creative parameters.

ИЗУЧЕНИЕ ПРОБЛЕМЫ КРЕАТИВНОГО И ТВОРЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ В ЗАРУБЕЖНЫХ ИССЛЕДОВАНИЯХ

Аннотация

В данной статье анализируется творческий и креативный стиль мышления человека на основе исследований зарубежных ученых в педагогическом и психологическом аспектах. Также на основе представлений ученых о параметрах креативности выделены элементы творческого подхода, характерные для личности.

Ключевые слова: творческое мышление, творческое мышление, нестандартное мышление, творческие параметры.

КРЕАТИВ ВА ИЖОДИЙ ТАФАККУР МУАММОСИНинг ХОРИЖИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ЎРГАНИЛИШИ

Аннотация

Ушбу мақолада инсоннинг креатив ва ижодий тафаккур тарзи педагогик ва психологияк аспектда хорижий олимларнинг тадқиқотлари асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, олимларнинг ижодкорлик параметрлари борасидаги фикр-мулоҳазалари асосида индивидуал шахсга хос бўлган ижодий ёндашувнинг элементлари аниқлаштирилган.

Калил сўзлар: креатив тафаккур, ижодий тафаккур, ностандарт тафаккур, ижодкорлик параметрлари.

Кириш. Жамият ва табиат ҳодисаларини ўрганиш, билиш назарияси қонуниятлари асосида тадқиқ қилиши фаннинг азалий ва адабий муаммосидир. Инсоннинг тараққиёти кишиларнинг креатив ва ижодий тафаккур тарзига пропорционал равишда кечадиган жараёндир. Инсоннинг тафаккур тарзи жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқ жараён экан, уни педагогик ва психологик муаммо сифатида тадқиқ қилиш илмий жамоатчиликнинг инсоният яшаш тарзини яхшилаш билан боғлиқ масалалардан эканлиги ойдинлапади. Тафаккур тарзи ва ишлап меканизми, уни такомиллаштириш масаласи эса педагогиканинг психология билан кесишган нозик муаммоларидан хисобланади. Мазкур муаммо хорижий тадқиқотчилар томонидан муайян даражада ўрганилган бўлиб, уни ижодий ва қиёсий нуқтаи назардан ўрганиш, маҳаллий тадқиқотчилар учун ушбу муаммонинг бўппилкларини аниқлаш ва уни атрофлича ўрганиш имкониятларини очади.

Умуман, ностандарт тафаккур тарзи инсон табиатига хос бўлиб, ҳар бир инсон ўз ҳаётида ижодкорлик билан дуч келади, унинг қайсиидир жихатини ўзгартириш имкониятига эга бўлади. Бирор айнан мана шу масала анланган ва англамаган фаолият тури билан изоҳланган ҳолда ниманидаир кашф этиши ёки уни билмасдан ўтказиб юбориши эҳтимоли асосида амалга ошиди. Агарда шахсда носатандарт тафаккур тарзи шакллантирилган бўлса, унда янги нарсаларни кашф этиши компетентлиги намоён бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review). Шахс томонидан нарса ва ҳодисалар мөҳиятини ўрганаётганда, албатта, унинг мөҳияти ва хусусияти тафаккур операциялари, яъни анализ ва синтез жараённида олинган натижалар асосида хуносаланиб, мантикий

таҳлил натижалари юзага келади. Албатта, бу жараён шахс фундаментал дунёқараши ва ижодий тушунчалари мувофиқлиги маҳсулни бўлиб, тафаккурнинг стратегик режасини амалга оширади.

Тадқиқотчи Ж.Е. Ермакова ушбу жараённи ассоциация ёндашув нуқтаи назаридан таҳлил этиб, барча когнитив жараёнларнинг элементлари улар орасидаги боғланишлар мөҳиятига мувофиқ юзага келади, деган назарий қарашни илгари суради [6].

Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, шахснинг ижодий фаолияти тасавурлар дунёсида юз берган жараёнлар маҳсулни сифатида эътироф этилиб, ижтимоий воқелик сифатида намоён бўлади. Ижодкорлик маълум концептуаллик омилларига асосланиши, рационал фаолият билан мувофиқлашиши, илмий ва когнитив тушунча мөҳияти билан ўйгунашшишини инкор этмаслигимиз лозим.

Бизнингча, бу жараённинг юз бериши маълум алгоритм билан асосланиб, олдиндан инсон тафаккурида намоён бўладиган, ҳиссий нозик “нуқта”ларни ўзаро таъсири марказида ўз ҳаракати билан юзага келтиради.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Инсон тафаккури муаммоси ҳар доим концептуал аҳамият қасб этиб, уни тадқиқ этиши давлат ва жамият ҳаётида конструктив лойҳаларни амалга оширишда асосий омиллардан бири бўлиб келган. Олинган илмий таҳлиллар натижаси трансформацион ёндашув негизида креативлик тамойилларига сингдирлиб, ўз даври учун илмий-техник инновацион лойҳаларни амалга ошишига замин бўлиб хизмат қилган. Бу тушунча мөҳиятини педагогик ва психологик нуқтаи назардан таҳлил этадиган бўлсак, ижодий фикрларни илмий тадқиқотларни юзага чиқарип, кескин ҳаётий муаммоларни бартараф этишининг

муқобил йўлларини излаб топишга қаратилган концептуал тақомиллашувдир.

Улбу масалани фалсафий нұқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсақ, ижодий фикрларининг концептуал ёндашувлар негизида қарама-карши масалалар мөхијити асосида билимларнинг ривожланиши, янгича фикр ва зиддиятли қарашлар, хусусан, материализм ва идеализм, борлиқ ва онг ўргасидаги муносабатлар, инсоният цивилизацияси, диний ва мифологик ғоялар ва онгдаги объектив билимлар устуворлиги мөхијитини кузатишими兹 мумкин.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).

Инсон тафаккури ижтимоий тараққиётнинг харакатлантирувчи кучларини мувофиқлаштирувчи, мавжуд муаммоларни реал ҳал этипга қаратилган илмий-назарий ва амалий конструктив манбаидир.

Инсон тафаккури маҳсулни бўлган ижодкорлик масаласига психоаналитик ёндашув тарафдорларининг қарашлари бир оз бопиқача бўлиб, улар куйидагича илмий муроҳазаларни илгари суришади.

Тадқиқотчи З.Фрейд тажовузкор энергия, тўғридан-тўғри чиқиши йўлини топа олмай, ижодкорликка юз тутади, деган фикрни илгари сурган бўлса, Карл Жунг ижодкорлик либидонинг интилишларидан бири хисобланиб, ўз натижаларига эга бўлган ижодий жараёндир, деган қарашни билдиради. Алфред Адлер ижодкорлик ижтимоий ўзини намоён қилиш маҳсулни эканлигини таъкидлаб, бу “камчилик” комплексини қоплашнинг ўзига хос усули, деган назарияни илгари суради[6].

Биз психоаналитик ёндашув тарафдорлари назарияларига қўшилмаган ҳолда ижодкорлик масаласига онгсизлик манбаи деб эмас, балки тафаккур натижаси маҳсулни сифатида ёндашиш лозимлигини таклиф этамиз. Сабаби ҳар бир ижод ва креатив ёндашув реал вазият ва шароитни тақозо этиши, у маълум таълим ва тарбияга муҳтож эканлиги нұқтаи назаридан ёндашисак, уни тўлиқ жамият эҳтиёжига йўналтирилган, инсонпарварварлик тамойилларига хизмат қилдириши мотивларини кўришимиз мумкин.

Бизнинг ушуб нұқтаи назаримиз гуманистик психология тарафдорлари илмий қарашларига мувофиқ келиб, уларнинг ижодкорликка нисбатан ёндашувлари юқорида билдирган илмий муроҳазамизни асослайди. Тадқиқотчи А.Г.Маклаков нұқтаи назарича, гуманистик психология тарафдорлари илмий ёндашувларига кўра ижодкорлик шахсни ўзини намоён қилиш усули, ўз-ўзини шакллантириш концепцияси ва мавжуд қобилияtlарни доимий равишда ривожлантириб боришидир[10].

Инсон тафаккури когнитив ёндашув тарафдорлари томонидан ҳам тадқиқ этилган бўлиб, улар бу жарённи “сунъий интеллект” ғояси нұқтаи назаридан таҳлил этишган. Когнитив ёндашувда инсон мия фаолияти компьютер операциялари тимсолида олиниб, дастлаб берилган маълумотни янги нарсага айлантириш хусусияти таҳлил этилган ва асосий вазифаси қабул қилинган сенсор сигналнинг мия томонидан ўзгариши жараёни ўрганилган[10].

Бизнинг нұқтаи назаримизча, когнитив ёндашув тарафдорлари томонидан амалга оширилган тадқиқотда инсон тафаккури маҳсулидан давлат ва жамият манфаатлари йўлида мақсадли фойдаланиши ва истиқболда мавжуд ижодкорлик қобилияtlарини эрта аниқлаш ва тўғри тарбиялапга йўналтирилган мақсад устуворлик килган десак, тўғри илмий таҳлилни амалга оширган бўламиз.

Истиқболда бу каби дифференциал илмий тадқиқотларининг педагогик ва психологик омилларини мақсадли амалга ошириш лозиб бўлиб, давлат ва жамиятнинг интеллектуал манбалари бўлган ижодий

қобилияtlар йўқолиб кетишининг олди олиниши ҳамда инсоният истиқболига хизмат қилдирилишига эришип мумкин.

Тафаккур муаммосини ўрганган психометрик ёндашув вакилларидан бири бўлган тадқиқотчи Э.Торренс ижодкорлик масаласини илмий нұқтаи назардан таҳлил этиб, қобилият билан боғлик муаммолар, билимнинг етишмаслиги, мавжуд қўйинчилеклар ва бу борада аниқ таклифлар яратиш ва гипотезалар ишлаб чиқиши хусусида ўз фикрларини илгари сурган бўлса, тадқиқотчи Ж.Гилфорд нұқтаи назарича, ижодкорлик универсал когнитив ижодий қобилият бўлиб, унинг асосини дивергенция ва конвергенция жараёнлари, шунингдек, трансформация ва семиотика жараёнлари ташкил киласади[3].

Бизнинг нұқтаи назаримизча, Ж.Гилфорд ижодкорликни, одатда, муаммо ва вазифаларни ҳал қилип, унинг кўшлаб ечимларини топиш, аниқ масалани ечиш учун олдиндан ўрганилган алгоритмлардан аниқ фойдаланиш стратегиясига асосланиши ҳамда масалани ҳал қилиш учун элементар операциялар кетма-кетлиги ва мазмуни бўйича ностандарт вазиятда янги ёндашувларни қашф этиш, деган илмий қарашни илгари сурган.

Шунингдек тадқиқотчи Ж.Гилфорд ижодкорликнинг қўйидаги олти параметрини кайд этади:

- мослашувчанлик - тури гояларни ишлаб чиқариш қобилияti;
- муаммоларни аниқлаш ва шакллантириш қобилияti;
- ўзига хослик - қўзгатувчиларга ностандарт тарзда жавоб бериш қобилияti;
- кўп сонли гояларни яратиш қобилияti;
- маълум деталларни қўшиш орқали обьектни яхшилаш қобилияti;
- муаммоларни ҳал қилиш қобилияti, яъни таҳлил килиш ва синтез қилиш қобилияti[3].

Тадқиқотчининг юкоридағи ижодкорлик хусусидаги параметрларини таҳлил этиб, индивидуал шахсга хос бўлган ижодий ёндашувнинг қўйидаги элементларини ажаратиб қўрсатишими兹 мумкин:

- биринчи, фикр юритишда аниқлик, бунда маълум вақт оралиғида юзага келадиган дивергент ва конвергент ёндашув ҳамда умумий хулоса;
- иккинчи, фикр юритиш деформацияси ва мобиллиги, яъни бир фикрдан иккинчи фикирга тез ўтиш ва мантиқий ёндашув;
- учинчи, фикр юритишдаги индивидуаллик, яъни умумийликдан хусусийлик ва хусусийликдан умумийлик ёндашувда оптимал қараш ва илғор гоялар илгари суриш;
- тўртинчи, атроф-муҳитга симпатик ёндашув ва қизиқувчанликнинг юкорилиги, яъни табиий-ижтимоий жараёнларга онгли муносабатда бўлиш;
- бешинчи, илмий таҳлил ва қарашларга эга бўлиш, яъни маълум илмий- назарий истиқболли гипотезаларни илгари суриш;
- олтинчи, рационал ёндашув, яъни реал воқеликни акс эттира олиш, амалий таклиф ва тавсияларни бериш ҳамда ўз позициясини ҳимоялаш;
- еттигичи, сезгилик ва реакциянинг юкорилиги, яъни субъектив ва обьектив омиллар ўргасидаги таъсири кўра олиши ҳамда муносаб жавоб қайтариш;
- саккизинчи, мантиқийлик, яъни анализ ва синтез жараёнидаги мувофиқлик ҳамда жавоблар комбинациясининг уйгунилти;
- тўққизинчи, креативлик, яъни муаммо ва масала ечимига ностандарт ёндашув ҳамда хулосаларда мантиқийликнинг устуворлиги;

- ўнинчи, хуносаларни умумлаштириш, яъни масала ва муаммо тафсилотларини яхлитлаб, аниқ ва рационал қарор қабул қилиш.

Шу нұктай назардан олиб қарайдиган бўлсак, юкорида биз томонимизда тавсия этилган ижодкорликнинг параметрларга мувофиқ, креатив ёндашув, яъни ижодкорликнинг ностандарт вазиятларда намоён бўлиши инсон тасаввур оламининг кенглиги, фантазия қила олиш қобилияти ва бу хусусида илмий-назарий гипотезаларни илгари сурини билан бевосита боғлиқдир.

Ҳәётий тажрибага бой, кўп китоб ўқиган, ўзи ва бошқалар фаолиятида юз берган воқеа ва ҳодисаларни таҳдил этиб борган киши уларнинг юз бериш жараёни ва хусусиятлари, олдиндан кўриниш берадиган элементларини тасаввур оламида гавдалантира олади, истиқболда ушбу масалаларни инъикос этиш масалалари юзага келиб, унинг фаоллиги ортади. Бир сўз билан айтганда, инсон тажрибасининг бойиб бориши, ижодий тасаввурлар оламининг янада кенгайишига замин бўлиб хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг илмий таҳлили жараёнида ўрганилган психолого-педагогик адабиётларда креатив фикрлаш ва ижодий тасаввур алоҳида илмий тадқиқот манбаси сифатида ўрганилган [4; 9; 7; 12; 8; 5; 1; 2; 13; 11; 14]. Креатив фикрлаш ва ижодий тасаввур инсон ҳаёти давомида ортирган тажриба негизида шунчаки янги нарсани ижодкори бўлиб қолмасдан, балки бошقا

одамлар хаёлига келмайдиган, тасаввур оламига сиғдра олмайдиган гоя ва фикрлар ҳамда маънавий-моддий изход махсусини ўз шахсий фаолиятида намоён эта олади.

Хулоса ва таклифлар

(Conclusion/Recommendations). Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, замонавий жамиятда бутунги кунда педагогик фаолиятда таълим-тарбия билан шугулланувчи ўқитувчи керативлиги ва ностандарт ёндашувлардаги ижодкорлиги таълим шароитида қўйидагиларни таъминлаб беришга замин бўлиб хизмат қиласди: таълим сифатига хизмат киладиган замонавий ностандарт технологияларни креатив ёндашув асосида ўқув жараёнига татбиқ этиш малкасини опиришга; замонавий таълим ва анъанавий таълим ўртасидаги зиддияти кесишини нуқтасини топиш ҳамда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишининг мукобил варианatlарини таклиф этиш кўнникмасини мустаҳкамлашга; таълим сифатига таъсир ўтказувчи таълим технологияларининг камчиликларини таҳдил этиш ва тезда бартараф қилувчи долзарб таълим муаммолари тизим методикасини излаш лаёқатини юзага чиқаришга; таълим ва тарбия беришда педагогик фаолият усуллари ва шаклларини тизимилилк ёндашуви асосида изчилик билан такомилаштириш тажрибасини барқарорлаштиришга; таълим ва тарбия жараёнида инновацион фаолиятга эътибор қартиш, янги ва ностандарт ҳамда муҳим ва истиқболли лойиҳаларни касбий фаолиятнинг асосий жиҳатига айлантириш малакасини қарор тоғпиришга.

АДАБИЁТЛАР

1. Ануфриева Г., Вдовкина С., Огороднова О. Воображение и творчество // Дошкольное воспитание. – 2008. – № 12. – 120 с.
2. Выготский Л.С. Воображение и творчество в детском возрасте. Психологический очерк: Книга для учителя. – М.: Просвещение. – 1991. – 198 с.
3. Гилфорд Ж. Теория креативности / <http://www.brandmedia.ru>.
4. Григорьева О.А. Особенности развития творческого воображения старших дошкольников // Современные научные исследования и инновации. 2014. № 11. Ч. 3.
5. Дружинин, В.Н. Психология XXI века / Под ред. В.Н. Дружинина. - М.: ПЕР СЭ, 2003. 220 с.
6. Ермакова, Ж.Е. Становление и развитие проблемы творческого мышления в отечественной и зарубежной науке / Ж.Е. Ермакова // Вестник ЧГПУ, 2009. № 6.
7. Ильина Л.Л. Условия творческой самореализации детей в дошкольном образовательном учреждении // Педагогические и социальные вопросы образования : материалы Всерос. науч.-практ. конф. (Чебоксары, 7 авг. 2020 г.) / редкол.: Ж.В. Мурзина [и др.] – Чебоксары: ИД «Среда», 2020. – С. 50-52.
8. Кокорева О.И. Особенности развития творческого воображения у старших дошкольников с нормальным и нарушенным речевым развитием / О.И. Кокорева, Ю.Ю. Волокитина // Психолого-педагогическое сопровождение общего, специального и инклюзивного образования детей и взрослых : материалы Всерос. науч.-практ. конф. с междунар. участием (Тула, 1 апр. 2021 г.) / редкол.: С.Н. Башинова [и др.] – Чебоксары: ИД «Среда», 2021. – С. 244-247.
9. Кучина Т.И. Развитие творческих способностей младших школьников / Т.И. Кучина, Т.Ю. Журавлёва // Современные тенденции развития системы образования : материалы Междунар. науч.-практ. конф. (Чебоксары, 28 марта 2018 г.) – Чебоксары: ИД «Среда», 2018. – С. 81-83.
10. Маклаков, А.Г. Общая психология: Учебник для вузов / А.Г. Маклаков. - СПб.: Питер, 2013. – 583 с.
11. Полуянов Ю.А. Воображение и способности. – М.: Знание. – 2003. – 155 с.
12. Понкратова А.С. Программа развития творческого воображения старших дошкольников с общим недоразвитием речи посредством нетрадиционных техник рисования / А.С. Понкратова, О.И. Кокорева // Психолого-педагогические исследования – Тульскому региону : материалы Регион. науч.-практ. конф. магистрантов, аспирантов, стажеров (Тула, 17 июня 2021 г.) / редкол.: С.В. Пазухина [и др.] – Чебоксары: ИД «Среда», 2021. – С. 118-122.
13. Рубинштейн, С. Л. Основы общей психологии / С.Л. Рубинштейн – СПб.: Питер, 2011. – 340 с.
14. Субботина Л.Ю. Развитие воображения детей: Популярное пособие для родителей и педагогов. – Ярославль: Академия развития. – 1997. – 240 с.